

ТАСАВВУФ ВАКИЛЛАРИ ҚАРАШЛАРИДА ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ ТАЛҚИНИ

Ш.Тангирбердиев

Гулистон давлат университети,
“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси
+998972755828
sherzodgapparovich654@gmail.com

Ш.Ортиқбоев

Гулистон давлат университети талабаси

Инсонпарварлик инсоннинг энг ижобий фазилатларидан. Сен инсонпарвар бўлсанг сенга ҳам инсонпарварлик қилишади. Халқимизда “Қарс икки қўлдан чиқади”, деган фикрнинг мулоқотда бўлиши бежиз эмас. Инсонпарварлик бу бошқа биров учун ғамхўрлик кўрсатиш, керак бўлса жонини ҳам фидо қилиш демакдир.¹

Юксак инсонпарварлик ғоялари, комил инсон таълимоти тасаввуфда ҳар томонлама ўз ифодасини топган. Тасаввуф илмининг асосий ахлоқий қоидалари ва ижтимоий ғоялари Аҳмад Яссавийнинг «Факрнома», Фаридиддин Атторнинг «Тазкиратул-авлиё», «Мантиқут-тайр», Азизиддин Низомий Ганжавийнинг «Маҳзанул-асрор», Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий», «Фиҳи мофиҳи», Жомийнинг «Нафахотул-унс», Навоийнинг «Насойимул-муҳаббат», «Лисонут тайр», Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футувват- номаи султоний», Али Сафийнинг «Рашаҳот айн- ал ҳаёт» ва бошқа алломалар асарларида илмий-фалсафий жиҳатдан яхши ёритилган².

¹ Давронов З. Баркамолликка даъват мактублар. -Т.: Тамаддун, 2017. 151-152 бетлар.

² Комил инсон ҳақида тўрт рисола: Фаридиддин Аттор, Султон Ватад, Азизиддин Насафий, Ҳусайн Воиз Кошифий ижодидан намуналар /Форс-тожик тилидан Н.Комилов тарж.- -Т., «Маънавият», 1997, 280 б.

Аҳмад Яссавий ҳикматларида комил инсон идеали бунинг тескариси бўлган тубан одамларнинг қилмишларини фош этиш орқали илгари сурилади:

Аҳли дунё халқимизда саховат йўқ,
Подшоларда, вазирларда адолат йўқ,
Дарвешларнинг дуосида ижобат йўқ,
Турлук бало халқ устига ёғди, дўстлар.

Бу ерда ўрта аср мутафаккири жамиятдаги ҳукмрон табақаларнинг аҳди дунё, яъни, мол-дунё эгалари, бойларда саховат йўқлигини қораламоқда. Саховатли бойлар эса, Имом Ғаззолий айтганидек, Ҳақ таоло дўстлари - дарвешлар ва фақирларга ёрдам қўлини чўзгани учун уларга охиратда жаннат эшиклари очилур.

Аммо, подшоҳлар, вазирлар, бойларнинг адолатсизлиги, саховатсизлигидан ташқари уларга лаганбардорлик қилувчи, пора берувчи баъзи одамларнинг нодонлиги ҳам жамиятни таназзулга учратади. Шу маънода Аҳмад Яссавий нодонлардан безорлигини бундай ифодалайди:

Аё, дўстлар, нодон бирла улфат бўлиб,
Бағрим куйиб, жондан тўйиб, ўлдим мано,
Тўғри айтсам, эгри йўлга бўйин тўлғар,
Қонлар ютиб, ғам захрига тўйдим мано,
Ёки Паҳлавон Маҳмуд назарида, нодонлар учун
Ҳайфки, баҳода ўтину, уд бир.
Ҳам мартабада Ҳалилу Намруд бир,
Давлатдан маст бўлган анқов наздида,
Эшак овозию, куйи Довуд бир.

Бундай нодонларни инкор этиш ҳам маънавий уйғонишнинг ифодасидир.

Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий» достонидаги ҳикоятлардан бирида узок вақт юриб, сувга ташна бўлган дарвеш тиниқ суви шарқираб оқаётган дарё ёқасига келиб қолади, Аммо, у турган жой баланд тошлар устида, дарё суви эса жуда пастликда эканидан дарвеш сувга

етишолмайди, ўйланиб туриб у оёғи остидаги ҳарсанг тошларни бирин-кетин олиб, пастга ташлай бошлайди. Шунда қирғоқ тобора пасайиб, сув тобора яқинлашаверади ва ниҳоят дарвеш сувга етишиб, ташналигини қондиради. Бу мажозий ҳикояда мутафаккир инсон маънавиятнинг зилол сувига етишиш учун ўзининг баландлиги - такаббурлигидан, феълидаги тош бўлиб ётган бошқа кўпгина иллатлардан қутилганида ҳақиқатнинг тиниқ сувига етиш мумкинлигини уқдиради.

Аслида тасаввуф таълимотининг илдизлари Исо пайғамбар насихатлари - масиҳийлик таълимотига, Қуръони Каримга ва пайғамбар Муҳаммад (соллоллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадиси шарифларига бориб тақалади. XI асрда Мовароуннаҳрда яшаган мутафаккир Сайфуз-Зафар Навбаҳорий «Дуррул-мажолис» асарида тасаввуфда комил инсонликнинг талабларидан бири кибру ҳаводан, бойларча ва подшоҳларча ҳаётнинг зебу зийнатларидан кечиб, камтарона, фақирона яшаш эканлигини Исо пайғамбар ҳаётига алоқадор ҳикояда яхши очиб беради.

Ўрта аср мутафаккири Навбаҳорийнинг Қуръони Каримни ва ислом фалсафасини, калом ва тафсир илмини яхши билиши табиийдир. Аммо у Тавротни ҳам яхши ўрганган, зеро, бу ўрта асрлардаги ислом Уйғониш зиёлиси учун хос хусусият эди. Навбаҳорий ҳазрати Исони ислом ақидасига кўра, энг жафокаш пайғамбарлардан бири эканини тасвирлар экан, христианлар уни Худонинг ўғли, деб ҳисоблашини қоралайди. Ислом зиёлиси сифатида у ҳазрати Исони ислом пайғамбари сифатида фақирона, камтарона ҳаётини меҳр билан тасвирлайди. Аслида христианлар ҳам уни ўта камтаринлиги ва халқ гуноҳлари учун ўзи жафо чеккани учун севадилар. Бу жиҳатдан масиҳийлар билан мусулмонларнинг қарашлари ўхшашдир. Навбаҳорий асарида Исо пайғамбар шаҳарлик такаббур ва худбин одамларнинг фиску фасодларидан бешиб, чўлларда ёлғиз юргани, бир ҳафта тинимсиз ёмғир ёғиб турганида, қуённинг инида ҳам жон сақлагани тасвирланади. Шу аҳволда ҳам у бечора, ожизлар ҳақида

қайғуради, уларни ҳимоя қилади. Шу маънода Ғарбда христиан фалсафасида ҳам, Шарқда ислом фалсафасида ҳам инсонпарварликнинг устуворлигини эътироф қилиш, бечора, ожизларга, оддий фуқароларга нисбатан жабр-зулмнинг ҳар қандай кўринишларининг қораланиши Уйғониш даврига хос умумий хусусиятлардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Давронов З. Баркамолликка даъват мактублар. -Т.: Тамаддун, 2017. 151-152 бетлар.
2. Комил инсон ҳақида тўрт рисола: Фаридиддин Аттор, Султон Ватад, Азизиддин Насафий, Ҳусайн Воиз Кошифий ижодидан намуналар /Форс-тожик тилидан Н.Комилов тарж,- -Т., «Маънавият», 1997, 280 б.Декқонов Б. Хожагон-нақшбандия таълимотида бағрикенглик тушунчасининг фалсафий таҳдили. Ф.ф.б.ф.д., (PhD) дис. -Бухоро: 2022. 31-32-бетлар.
3. Қиёмиддин Назаров. Жаҳон фалсафаси қомуси. Иккинчи жилд // Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. - Т.: Маънавият. 2019. - Б. 324-326.
4. Российская социологическая энциклопедия. - М.: Наука, 1998. - 278 с.
5. Марк Нотурно. Толерантность, свобода и истина: фаллибализм и открытие “закрытых обществ” // Ижтимоий фикр. -Т., 1998. - № 22.
6. Г.Н.Наврўзова Накшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси.Т.: “Фан”, 2005. Т.: -Б. 63
7. Гафуров, Б. А., & Холназарова, Д. М. (2016). Отражение социальной и религиозной политики Бабура в его завещании. *Наука и образование сегодня*, (4 (5)), 59-60.
8. Xolnazarova, D. M. (2024). OLIY TA'LIM TASHKILOTLARI TALABALARINING HUQUQIY MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHNI TAKOMILLASHTIRISH. *Elita. uz-Elektron Ilmiy Jurnal*, 2(1), 264-266.
9. Xolnazarova, D. M. (2022). METHODS OF DEVELOPING LEGAL CULTURE IN STUDENTS.

10. Xolnazarova, D., & Tangirberdiyev, S. (2021). TALABALAR HUQUQIY MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHDA HUQUQIY TA'LIM-TARBIYANING ROLI. *Academic research in educational sciences*, 2(3), 1313-1317.
11. Mamatmuratovna, X. D., & Qizi, U. I. S. (2024). YANGI O 'ZBEKISTONDA AHOLI IJTIMOIIY HIMOYASINING USTUVOR YO 'NALISHLARI. *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 1(4), 45-47.
12. Мавлянов, У. Н., & Тангирбердиев, Ш. (2025). АЛИ САФИЙ ҲАЁТИ ВА МЕРОСИ ҲАҚИДА. *Решение социальных проблем в управлении и экономике*, 4(4), 78-84.
13. Tangirberdiyev, S. T. (2023). AN IMPORTANT SOURCE FOR THE STUDY OF SUFISM AND ITS TRADITIONS. *Journal of Social Sciences and Humanities Research Fundamentals*, 3(07), 37-40.
14. Xolnazarova, D. M., & Tangirberdiyev, S. H. (2024). YOSHLARDA HUQUQIY MADANIYATNI RIVOJLANTIRISHNING AMALIYOTDAGI HOLATI. *TADQIQOTLAR. UZ*, 37(1), 120-123.
15. Холназарова, М. Х. (2015). Формирование творческих способностей личности в процессе социализации. *Austrian Journal of Humanities and Social Sciences*, 1(3-4), 109-111.
16. Xolnazarova, M. (2022). Factors and socio-psychological causes of behavior deviation in minors. *NeuroQuantology*, 20(20), 1781.
17. Nishonova, Z. T., Kamilova, N. G., Abdullayeva, D. U., & Xolinazarova, M. X. (2017). Rivojlanish psixologiyasi. *Pedagogik psixologiya. Toshkent-2018*.